

Самарқанд вилояти хўжаликлари қорамолларнинг сони жиҳатдан бошқа вилоятлардан устун туради. Бунга мисол қилиб, Республика хўжаликларидида урчитилаётган (2016 йил 1 январ ҳолати бўйича) жами 11637,2 минг бош қорамолларни 1421,2 минг боши ёки 12,2 фоизи Самарқанд вилоятида урчитилишини, бу борада вилоят бошқа вилоятлар орасида биринчи ўринда туришини, ундан кейинги иккинчи ва учинчи ўринда бўлган Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида бу кўрсаткич шунга мутаносиб равишда: 1405,1 минг бош ёки 12,1 фоиз ва 1133,2 минг бош ёки 9,7 фоизга тенг бўлганлигини келтириш мумкин.

Қорамоллардан олинадиган асосий маҳсулотлар сут ҳисобланади. Сутнинг таркиби инсон организми учун муҳим ва зурур бўлган 100 дан ортиқ моддаларга бойдир. Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилаётган сут салмоғи 2015 йилда 1132310 тоннага тенг, бу эса республика хўжаликларида ишлаб чиқарилган жами сутни 12,5 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам вилоят республикада биринчи ўринда туради. Ундан кейинги ўринда бўлган Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларида тегишлича: 952542, 867361, 854334 тонна ёки 10,6; 9,6; 9,5 фоизни ташкил қилган.

Вилоятда ишлаб чиқарилган жами сут маҳсулотини 51722 тоннаси ёки 4,6 фоизи фермер, 1079456 тоннаси ёки 95,3 фоизи деҳқон ва аҳолини шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳамда 1132 тоннаси ёки 0,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар зиммасига тўғри келган.

Қорамоллардан олинадиган ва инсон истеъмоли учун муҳим бўлган енгил ва тез ҳазм бўладиган маҳсулот - гўштдир. Вилоят хўжаликларида 2005 йилда 244412 тонна (тирик вазнда) сўйиш учун қорамол ва парранда етиштирилган, бу эса Республикада жами етиштирилган 2033510 тонна тирик вазни 12,0 фоизини ташкил қилади. Маълумки истеъмолдаги гўштни 68,0 фоизини қорамол гўшти ташкил қилади. Шу ҳисобдан сўйиш учун етиштирилган жами тирик вазни 166-200 тоннасини қорамоллар ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам хўжалик тоифаси кесимида тафовут аниқланган бўлиб, бунда салмоқли ўринни деҳқон ва аҳолини шахсий ёрдамчи хўжалиги эгаллаган.

Шундай қилиб, Самарқанд вилояти хўжаликларида қорамолчилик барқарор ривожланиш босқичига ўтган, уларни маҳсулдорлик бўйича генетик салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш учун қорамолларни маҳсулдорлигига таъсир қиладиган омилларни эътиборга олиш ҳамда замон талаблари ва илғорлар тажрибаси асосида озиклантириш ва асраш шароитини ташкил қилиш биринчи галдаги вазифадир.

ТУРЛИ ЗОТДОРЛИКДАГИ ҚОРА-ОЛА ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Х.Нормамтова – талаба, М.Хасанова – магистратура талабаси,
А.Хушвақтов – илмий раҳбар, доцент в.б.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 308 - сонли ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўрисида”ги 842 - сонли қарорларида чорвачиликни жадал ривожлантириш ва чорва моллар бош сонини кўпайтириш устивор вазифа қилиб белгиланган.

Бу қарорларни ижросини таъминлаш чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва сифатини талаб даражасида етказиш, ҳайвонларни наслдорлик, пуштдорлик ҳамда технологик хусусиятларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда қора-ола зоти 10 га яқин қорамол зотлари орасида ўзининг бош сони ва сигирларининг сут маҳсулдорлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Шунинг учун бу зотнинг наслдорлик, маҳсулдорлик, экстерьер, пуштдорлик ва бошқа селекцион белгиларини такомиллаштиришда ушбу зотга қариндош бўлган жаҳон генофондига хос голштин зотли

буқалар уруғидан кенг фойдаланилмоқда. Чатиштириш жараёнида подадаги ҳайвонларнинг тана тузилишини ҳисобга олган ҳолда танлаш ва жуфтлаш ишларини олиб бориш юқори маҳсулдор подалар яратишни кўшимча имкониятларидан бири ҳисобланади. Чунки, қорамол зотлари ўзининг экстерьерини, конституцияси, маҳсулдорлиги жиҳатидан бир-бировидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам сигирларни сут маҳсулдорлиги, конституция типлари боғлиқлиги борасида махсус илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Шуни эътиборга олган ҳолда учун ҳам биз, соф зотли қора-ола ва шу зот сигирларини голштин зотига мансуб бўлган насли буқалар билан чатиштиришдан олинган ҳар хил зотдорликдаги чатишма авлодларини сут маҳсулдорлигини уларнинг конституция типи билан боғлиқлигини ўргандик.

Тажриба учун ўхшаш белгилари бўйича: генетик келиб чиқиши, зот, зотдорлиги, сут маҳсулдорлиги, тирик вазни, конституция типларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир гуруҳга 5 бошдан жами 20 бош етук ёшдаги голштинлаштирилган сигирлар танлаб олдик, бир хил озиклантириш ва асраш шароити ташкил этилди. Тажрибадаги ҳайвонларни озиклантириш асраш шароити бир хил бўлди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, чатишма ҳайвонлар нафақат ўзининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан балки морфо-функционал хусусиятлари билан ҳам бир бировидан кескин фарқ қилади. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги уларнинг экстерьер кўрсаткичига боғлиқлигини П.Собиров, А.Қахаров, С.Дўсткуловлар (2003), У.Н.Носиров (2008) ва бошқалар кўрсатиб ўтишган. Биз лактациянинг 3-чи ойида эрталаб ҳайвонларга озика ва сув бермасдан, текис жойга қўйиб асосий тана ўлчамларини аниқлаб, олинган маълумотларни куйидаги 1-жадвалда келтирдик.

1-жадвал

Тажрибадаги сигирларнинг тана ўлчамлари, см ($\bar{X} \pm S_x$)

Тана ўлчамлари	Г у р у х л а р					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S_x$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_x$	Cv, %	$\bar{X} \pm S_x$	Cv, %
Яғрин баландлиги	123,5±4,10	3,31	125,2±3,10	2,47	126,8±3,7	2,91
Кўкрак чуқурлиги	69,0±1,10	1,5	70,5±2,20	3,12	71,0±1,30	1,83
Кўкрак кенглиги	45,7±0,70	1,53	47,0±3,10	6,59	49,5±0,98	1,97
Кўкрак айланаси	196,2±2,45	1,24	197,0±3,41	1,73	199,3±2,50	1,25
Гавданинг қия узунлиги	148,5±1,10	0,74	149,7±0,91	0,60	150,2±2,60	1,73
Орқа дўнг суяк эни	47,4±0,66	1,39	48,8±0,49	1,0	49,7±0,76	1,52
Пойча айланаси	19,0±0,21	1,10	19,5±0,25	1,28	19,6±0,40	2,04

Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, яғрин баландлиги III гуруҳдаги сиирларда ўз тенгқурлари I ва II гуруҳдаги сигирларга қараганда шунга мос равишда 3,3 см (2,6%) ва 1,6 см (0,9 %) юқори бўлган. Бундай фарқ кўкрак чуқурлиги бўйича 2,0 см (2,8%) ва 0,5 см (0,7%), кўкрак кенглиги бўйича 3,8 см (8,3%) ва 2,5 см (5,3%), гавданинг қия узунлиги бўйича 1,7 см (1,2%) ва 0,5 см (0,4%), орқа дўнг суяк эни бўйича 2,3 см (4,8%) ва 0,9 см (4,8%) ҳамда пойча айланаси бўйича 0,6 см (3,1%) ва 0,1 см (0,5%) ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар бўйича II гуруҳдаги чатишма ҳайвонлар оралиқ ўринда бўлишган, яъни I гуруҳдаги тенгқурларидан юқори ва III гуруҳдаги тенгқурларидан эса нисбий кўрсаткичга эришган.

Юқори маҳсулдор подалар яратишда сигирларнинг асосий селекцион генетик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффицентини аниқлаш ва улардан танлаш ва жуфтлаш ишларида фойдалангиш зотларни такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз турли конституция типидagi сигирларнинг асосий

селекционне белгилари ўртасидаги корреляция коэффициентини ҳисобладик ва қуйидаги 2-жадвалда келтирдик.

2-жадвал

**Сигирларнинг асосий селекцион белгилари ўртасидаги корреляция
коэффициенти, (r)**

Ўзаро боғланувчи белгилар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Тирик вазн ва яғрин баландлиги	0,76	0,42	0,80
Тирик вазн ва кўкрак чуқурлиги	0,73	0,35	0,52
Тирик вазн ва кўкрак кенглиги	0,40	0,58	0,47
Тирик вазн ва кўкрак айланаси	0,88	0,20	0,40
Тирик вазн ва гавданинг қия узунлиги	0,59	0,13	0,66
Тирик вазн ва орқа дўнг суяк эни	0,49	0,52	0,31
Тирик вазн ва пойча айланаси	0,92	0,38	0,50

Тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил шуни кўрсатадики, сигирларнинг селекцион белгилари ўртасида ўзаро боғланувчанлик мавжуд экан. Хусусан I гуруҳдаги соф қора-ола зотли сигирларнинг тирик вазни билан яғрин баландлиги, кўкрак чуқурлиги, кўкрак айланаси ўртасида кучли ижобий, тирик вазн билан кўкрак кенглиги ўртасида ўртача ижобий, тирик вазн билан пойча айланаси ўртасида тўлиқ ижобий боғланиш, II гуруҳ (1/2 қора-ола, х ½ голштин) голштинлашган сигирларда тирик вазн билан яғрин баландлиги, кўкрак кенглиги, орқа дўнг суяк эни ўртасида ўртача ижобий, кўкрак чуқурлиги, кўкрак айланаси, гавданинг қия узунлиги, пойча айланаси ўртасида паст ижобий ҳамда III гуруҳ (1/4 қора-ола, 3/4 голштин) сигирларни тирик вазн ва яғрин баландлиги ўртасида тўлиқ ижобий, тирик вазн билан кўкрак чуқурлиги, кўкрак кенглиги, кўкрак айланаси, гавданинг қия узунлиги, орқа дўнг суяк эни, пойча айланаси ўртасида ўртача ижобий корреляция коэффициентлари аниқланди.

Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар 3 та гуруҳда ҳам ушбу селекцион белгиларидан бирининг ошиши у билан ижобий ўзаро боғланган иккинчи белгини ҳам ошишидан далолат беради.

**ГОЛШТИНЛАШТИРИЛГАН СИГИРЛАРНИНГ ОЗУҚАНИ МАҲСУЛОТ БИРЛИГИ
БИЛАН ҚОПЛАШ ХУСУСИЯТИ**

**М.Нортошева – магистратура талабаси,
А.Боймурзаева, С.Исомидинов – талаба**

Чорвачилик тармоғида шу жумладан қорамолчиликда ҳайвонларни маҳсулдорлик бўйича генетик потенциалини тўлиқ юзага чиқаришда, яъни экологик ва иқлим шароитларига мослашиш ва бошқа физиологик, биокимёвий, биологик хусусиятларини такомиллаштишига асосий таъсир қиладиган омиллардан бири озуқа омили ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотларнинг илмий ишлари натижаларини кўрсатишича, ҳайвонларни хўжалик фойдали белгиларига таъсир этадиган омиллардан 59 фоизини озуқа ва озиклантириш, 22 фоизини наслчилик ва 19 фоизини технологик омиллар ташкил қилар экан. Шунинг учун турли мақсадларда ташкил этиладиган илмий изланишларни бошлашдан илгари озуқа миқдори ва унинг сифати билан қизиқиш лозимдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жойлашган Шўртангаз унитар корхонасига қарашли қорамолчилик фермасини озуқа захираси етарли. Ташкилот иқтисодий жиҳатдан бақувват корхона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам озуқа муаммоси хўжаликда кузатилмайди.